

Qishloq hayoti

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan

2019-yil 20-iyun, payshanba 44 (9011)-son

web sayt: www.qishloqhayoti.uz

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ЙИГИРМАНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирманчи ялпи мажлиси 2019 йил 21 июнь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2019 йил 20 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойсидида рўйхатга олинди.



Замонавий технологиялар асосида

Нукус шаҳридаги "Global food Imex" масъулияти чекланган жамияти мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш, саралаш ва қадоқлашга ихтисослаштирилган.

Ушбу логистика маркази 2018 йил охирида ишга туширилган. Бу ерда полиз ва мева маҳсулотлари сақлана-

диган 780 тонналик совуткич ускунаси ҳамда 3 гектар майдонда гидропоник иссиқхона қурилган.

Гидропоника автоматик усулда бошқарилади. 40 га яқин ишчи меҳнат қилаётган корхонада улар учун барча

шароит яратилган. Ҳозирда пишиб етилган помидор экспортга тайёрланяпти ва бозорда аҳолига сотиляпти. Иссиқхонада йилига 600 тоннага яқин помидор етиштириш имконияти мавжуд.

Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



ЎЗАРО ИШОНЧ – БАҲҚАРОП ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИ

Дунё тинчлик, хавфсизлик, тараққиёт, халқлар орзу-истаклари рўёби сари глобал ҳамкорликка интилмоқда. Бу борада уйғун ҳаракатларни амалга оширмоқда.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бу борада муҳим мулоқот майдони ҳисобланади. Бундан роппа-роса ўн саккиз йил муқаддам Шанхайда имзоланган декларацияга мувофиқ ташкил қилинган мазкур ташкилот унга аъзо давлатлар ҳудудида барқарорлик ва хавфсизлиқни таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш қафолатига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда ташкилотга Ўзбекистон, Россия, Хитой, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон ва Покистон мамлакатлари аъзо. ШХТнинг ҳудудий географияси Евроосиё минтақасининг 60 фоизини қамраб олган ва 3 миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. ШХТ мамлакатларининг жаҳон иқтисодиётидаги улуши 20 фоизга яқини ташкил қилади.

Бу рақамлар иқтисодий ва барқарор ривожланишга эришишда ташкилотнинг минтақавий ва глобал ҳамкорлиқни мувофиқлаштиришдаги мавқеини кўрсатади.

Ўзбекистон ШХТ доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни ривожлантиришни устувор деб билади. Президентимиз ШХТнинг Нур-Султон ва Циндао саммитларида илгари сурган муҳим ташаббуслар ҳамкорлик самарадорлигини янада оширишга ҳизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Нур-Султон саммитида ШХТ давлатлари темир йўл соҳаси раҳбарларининг мунтазам учрашувларини ташкил қилиш зарурлигини қайд этди ва Тошкент 2018 йил сентябрь ойида ушбу форматдаги илк учрашувга мезбонлик қилди.

Шунингдек, Президентимиз ташаббуси билан Тошкентда ШХТнинг Халқ дипломатияси маркази таъсис этилди, Самарқанд шаҳрида "Ипак йўли" туризм халқаро университети ташкил қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақлифига мувофиқ, ШХТ давлат раҳбарларининг Ёшларга қўшма мурожаати қабул қилинди.

Жорий йил 13-14 июнь кунлари Бишкекда ШХТ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Бишкек саммитида давлатимиз раҳбари нутқ сўзлади ва ШХТ фаолиятини такомиллаштириш, тузилмага аъзо мамлакатлар манфаатли ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Саммит доирасида йигирмадан зиёд ҳужжат имзоланди. Улар орасида ШХТга аъзо мамлакатларнинг Рақамлаштириш ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги ҳамкорлиги концепцияси ва Ҳудудлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш дастурининг Ўзбекистон томонидан тақлиф этилгани эътиборга ўқимоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ШХТнинг Бишкек саммити ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик ривожини, минтақа барқарор ривожланишини таъминлашда янги босқич режаларини аниқ белгилаб олганлиги билан аҳамиятлидир.

Иброҳим ҲОЖИЕВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати. ЎЗА

Ўзсаноатқурилишбанк Тожикистон молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтirmoқда

Тошкент шаҳрида Тожикистоннинг "Амонатбанк" давлат жамғарма банки Бошқаруви раиси Икромӣ Сирожиддин Салом бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув чоғида 2018 йилнинг август ойида Ўзбекистон ва Тожикистон ишбилармон доиралари иштирокида ўтказилган бизнес форумда имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имкониятларидан атрафлича фойдаланиш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар мамлакатларнинг ўртасидаги ўзаро савдо ҳажмини оширишга қаратилган вазирлик муносабатлари ҳамда савдони молиялаштириш йўналишларида ҳамкорликни янада кенгайтириш зарурлигини қайд этди.

Қайд этиш керакки, АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" томонидан Тожикистоннинг "Ориентбанк" ҳамда "Банк Эҳсхата" молия муассасалари билан ҳам ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бунинг самарасида Ўзбекистон металлургия комбинати маҳсулотларини экспортини молиялаштириш бўйича 5 миллион долларлик биринчи транзакциялар амалга оширилди.

Қолаверса, эришилган натижалар билан чегараланиб қолмасдан узок муддатли молиялаш, халқаро ҳисоб-китоблар, клиринг, тўлов воситалари каби йўналишларда ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Банк матбуот хизмати.

Жомбой туманидаги "Мароқандмевасабзавот" масъулияти чекланган жамиятида 2 минг 200 гектар ер майдонида мева-сабзавотларнинг янги навлари етиштирилади. 2013 йилда Греция, Франция, Италиядан мевали дарахт кўчатлари келтирилиб, экилган ушбу қишлоқ хўжалиги корхонасида 580 нафар ишчи меҳнат қилади.

Помидор комбайнда терилади

Дарахт ва сабзавот экинлари томчилик сугориш усулида етиштирилади. Бу ерда помидорнинг "Черри", олманин "Галавали", "Пик леди", "Жижигард" ҳамда шафтоли, ўрик, олхўри каби меваларнинг янги навлари бор.

Боғга кирсангиз, худди хоржиди экинзорларни кўргандай бўласиз. Бу ерда помидор комбайнда терилади. Мевасабзавотлар Қозғистон ва Россияга экспорт қилинади.

– Айни кунларда хўжалиқнинг ўз логистика маркази қурилмоқда, – дейди МЧЖ директори Меҳроҳ Файзилов. – Йигирма минг тонна сигимга эга совуткич қурилиши ҳам бошланган. Шунингдек, йилига 3 миллион дона интенсив кўчат ҳам етиштирилади.

Яна бир гап, бу ерда InVitro лабораторияси ҳам ишга туширилиши режалаштирилмоқда. Келгусида мазкур замонавий лабораторияда кўчатлар клонлаштириш усулида кўпайтирилади.

Абдували ХУДОЁРОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси бош инспектори.

Олис қишлоқлар ободликка юз тутди

Жорий йилнинг апрель-май ойларидаги ёгингарчиликлар Китоб туманидаги Деновола қишлоғини шаҳар маркази билан боғловчи автомобиль йўлида иккиламчи оқувчи кўчки ҳосил қилиб, ушбу йўлдаги ҳаракатни чеклаб қўйган эди.

"Паландара – Жавуз – Деновола" ички автомобиль йўлининг 39 километридаги Жиннидарё ўзанининг чап қирғоғи, "Отбоқар" сойининг бошланиш қисмидан узунлиги 300 метр, эни 60 метр, узиллиш чуқурлиги 14 метр бўлган, тахминий 252 минг метр куб ҳажмига тенг иккиламчи оқувчи кўчки массаси автомобиль йўлининг 50 метр қисмини қоплаб қолиб, аҳоли учун ноқулайликлар туғдирган эди. Шу боис, бу ерга махсус техникалар жалб этилиб, 80 метр кўшимча айланма йўл қуриш ишлари амалга оширилди. Ҳозирги кунда йўлни очиш учун жами 3 километр масофада тупроқ ишлари тўлиқ ба-



Муродилла КОМИЛОВ олган сурат.

жарилиб, хавф бартараф этилди. Тумanning энг олис ҳудудларидан бири – Деновола ва Жовуз қишлоқларида ташкил этилган мулоқотда аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тезда бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга топшириқлар берилди.

Барча даражадаги раҳбарларнинг энг чекка ҳудуд аҳолиси билан бевосита мулоқотга киришаётгани, уларга муносиб иш ва турмуш шароити яратиш

борасида бор куч ва имкониятлар ишга солинаётгани одамларнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилмоқда. Энг муҳими, аҳолининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириб, дунёқарашини тубдан ўзгартириш, яратувчанлик ва ташаббускорлигини оширишга замин яратаяпти.

(Давоми 2-саҳифада)

УЧ ДАВЛАТ ЁШЛАРИ СУРХОНДАРЁДА УЧРАШДИ

Мамлакатимизда эълон қилинган "Ёшлар ойлиги" доирасида Сурхондарёда Ўзбекистон – Тожикистон ёшлари форуми бўлиб ўтмоқда.

Икки давлат президентларининг ўзаро ташрифлари миллий қадрият ва аъналари муштарак халқларимизнинг узоқ ўтмишга бориб тақаладиган азалий дўстлик, яқин биродарлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳизмат қилди. Олий даражадаги учрашувларда кўплаб келишувларга эришилди, жумладан, икки мамлакат ёшларининг форумини ташкил этиш белгиланди. Илк бундай анжуман Ўзбекистонда "Ёшлар куни" арафасида бўлиб ўтаётгани чуқур рамзий маъно касб этади.

– Тожикистонлик тенгдошларимиз келаётганини эшитиб қувондик, – дейди Ёшлар иттифоқи фаоли, Термиз тиб-

биёт коллежи ўқувчиси Д.Рўзибоева. – Улар билан тезда танишиб, апок-чапоқ бўлиб олдик. Тожикистонлик дўст-

ларни барча замонавий шароитларга эга таълим муассасаларимиз билан танишишга тақлиф этдик.

Форум қатнашчилари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази билан танишди. Бу ерда афғон ўғил-қизларининг етуқ мутахассислари бўлиб камолга етиши учун яратилган шароитлар, жумладан, ахборот-ресурс маркази,

кутубхона, тасвирий ва амалий санъат, кулоллик, ҳайкалтарошлик каби тўғарақлар, ошхона, ётоқхона ва бошқа хизмат кўрсатиш хоналари барчада бой таассурот уйғотди. Дунёда муқобили йўқ бу муассасада Афғонистоннинг 18 вилоятдан 96 нафар йигит-қиз ўзбек тили ва адабиёти, 25 нафари темир йўл соҳаси мутахассисликлари бўйича ўқимоқда.

– Яқинда ўқини тугатиб, Ватанимизга қайтамыз, – дейди Афғонистон Ислом Рес-

публикасининг Жавузку вилоятидан Асадулло Азизий. – Юртимиздаги мактабларда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс берамиз. Форум иштирокчилари билан мароқли суҳбатлар ўтказдик. Буни бир умр ёдда сақлаймиз.

– Ўзбекистонда афғонистонлик тенгдошларимни учратишни хаёлимга ҳам келтирмаган эдим, – дейди Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридаги педагогика коллежи ўқувчиси Тахмина Ибрагимова. – Аввало, бу даргоҳда яратилган шароитга ҳавасим келди. Афғонистоннинг турли ҳудудларидан дугоналар орттирдим. Уларга Тожикистонда юз бераётган ўзгаришлар ҳақида сўзладим.

(Давоми 2-саҳифада)

Сирдарё вилояти

Янгилик

Батат картошка ўрнини босади(ми?)

Гулистон давлат университетининг "Экспериментал биология" лабораториясида лаборатория мудури, профессор Ҳабиб Қўшиев, ёш докторантлар Нозима Исмоилова ва Баҳром Аллатовлар олиб борган биотехнологик тадқиқотлар асосида бататнинг Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган "Хазина-2", "Хазина-3", "Хазина-4", "ГулДУ-1" ва "ГулДУ-2" навлари яратилиб, улар давлат нав синаш комиссиясига тақдим этилди.



Бататнинг маҳаллий шароитда ўсиш-ривожланиш хусусиятлари бир неча йиллардан бери биотехнологик, физиологик ва биокимёвий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Айтиш лозимки, батат (ширин картошка) Сирдарё вилояти тупроқ-иқлим шароити учун тавсия этилаётган янги ноъбанавий кишлоқ ҳўжалиги ўсимлиги ҳисобланиб, унинг ватани Жанубий Америкадир. Бу ўсимлик асосан, тропик минтақаларда экилади. У гектарига

800-1200 центнердан ҳосил бериб, картошкаси қаламчаларидан кўпайтирилади. Юқорида кўрсатилган батат навлари Гулистон давлат университетининг "Экспериментал биология" лабораториясида in vitro шароитида биотехнологик усуллар ёрдамида вилоят тупроқ шароитига мослаштирилди ва ундан юқори ҳосил олишга муваффақ бўлинди. Батат оддий картошкага нисбатан 1,5 барабар кўп калорияга эга

бўлиб, таркибида крахмал, оқсил, минерал тузлар, углеводлар, турли дармондорилар (А, В, Р) минераллар, органик кислоталар бор. Туганаги (картошкаси) ийрик чўзиқроқ (0,2-1,5 килограмм, айримлари 3-5 килограммгача тош босади), таркибида 24 фоиз азотли моддалар ва 42 фоизгача қуруқ модда бор. Озиқ-овқат сифатида консерва, крахмал, спирт олишда бирламчи хомашё саналади. Кўк ҳолида қуритилган пояси,

силос қилинган кўк массаси чорва молларига тўйимли озуқа ҳисобланади. Ушбу ўсимликнинг қуритилган мевасидан тайёрланган ун қўшилган ем билан боқилган паррандалар тухуми катталиги жиҳатидан фарқланиб туради.

Батат юрак ва қон-томир касалликларини даволашда жуда фойдалидир. Таркибидаги С дармондориси организмни ёшартиради ва инсоннинг иммун тизимини мувофиқлаштиради. Шунингдек, у ортиқча вазндан ҳалос бўлишда ёрдам беради, асаб тизимига (уйқусизлик, невроз ва сурункали чарчоқда) яхши таъсир кўрсатади, яна кўриш қобилиятини оширади.

Бататнинг таркибида минерал моддалар, хусусан, натрий, калий, кальций, магний, фосфор, темир ҳамда йод моддалари кўпчилиги жиҳатидан ҳам озиқлик бўйича картошкадан устунлик қилади. Унинг таркибида картошкага нисбатан 1,7 барабар крахмал кўп. Десерт сифатида фойдаланиладиган навлари таркибида глюкоза миқдори жуда юқори. Ундан тайёрланган вафли, печенье, пряниклар шакларда солинмаса ҳам ширин ва тўйимли бўлади. Батат ундан 50 дан ортиқ таом тайёрлаш мумкин.

Яна бир қувонарли жиҳати, олимлар томонидан бататнинг маъруз лабораторияда яратилган "Яшил технология" инновацион ишланмаса бўйича илмий ҳулосалар ҳам қилинди. Гулистон давлат университети олимлари томонидан олиб борилган илмий изланишлар кишлоқ ҳўжалигида, озиқ-овқат маҳсулотлари этиштириш ва тайёрлаш соҳасида муҳим янгилик бўлади.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Муштаҳкам озуқа базасида яратилган НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ КЕРАК?

Чорвачиликни интенсификация қилиш ва самардорлигини ошириш биринчи навбатда озуқа майдонларини кўпайтириш, улардан самарали фойдаланиш, этиштириладиган ем-хашак маҳсулотларининг миқдори, сифати ва таркибига бевоқифлик. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Хусусан, тупроқ балл бонитети паст, 15 центнердан кам ҳосил берган ҳамда сув таъминоти оғир бўлган, пахта-ғалладан қисқарган минглаб гектар ерларга озуқа-боп экинлар жойлаштирилиб, экиш ишлари ташкил қилинапти. Бундан ташқари, алмашлар экиш тизимини такомиллаштириш учун пахта-ғаллачилик фермер ҳўжалиқлари экин майдонларининг 10 фоизига бошқа экинлар, шу жумладан, беда экинни жойлаштирилмоқда.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2019 йил ҳосили учун асосий майдонларнинг 342 минг 688 гектарига озуқа-боп экинлар жойлаштирилди.

ТАКРОРИЙ ЭКИН – ДЕЯРЛИ ТЕКИН

Беда асосий экин турларидан бўшаган майдонларга август ойининг биринчи ўн кунлигига қадар ҳар хил озуқа экинларини экиб, ҳосил олиш имкониятлари мавжуд. Бу, биринчидан, фермер ҳўжалиқларида қўшимча даромад келтирса, иккинчидан, чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, қорамоллар маҳсулдорлигини ошириш, алмашлар экиш тизимидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини янада яхшилаш ҳамда мавжуд моддий-техник ресурслардан унумли фойдаланишда кўл келади. Жорий йил ғалла ҳосилидан бўшайдиган 824 минг 350 гектар такрорий экин экиладиган майдонларнинг 230 минг 949 гектарига асосан, дон ва силос озуқа мақкажўхори ҳамда қисман тартиқ каби озуқа-боп экинлар экиш режалаштирилган. Бунда тупроқни экишга тайёрлашда хайдоқдан ёки чиқеллашдан олдин 200-250 кг/га фосфорли ўғитлар берилди. Ёзги мавсумда дон ва силос учун мақкажўхорининг "Қорасув 350 АМВ", "Ўзбекистон 601 ЕСВ" дурагайларидан фойдаланиш тавсия этилади. Мақкажўхори дон учун 20-25 июнгача, жанубий вилоятларда силос учун 15 июлгача экилади. Экишда 5-6 см. чуқурликда қатор ораси 60 ёки 70 см. оралиқда, гектарига уруғ учун 22-25, силос учун 35 кг. уруғ сарфланади. Уруғ униб чиққанидан

кейин культивация қилинади, 5-6 та барглар ҳосил бўлганда гектарига 150-200 кг. меъёрда азотли ўғитлар солинади ва сугориш ишлари амалга оширилади. Пояда 10-12 та барг ҳосил бўлганда иккинчи озиклантириш ўтказилади ва сугорилади, учинчи марта гуллаш ва тўртинчи марта сут пишиш вақтида сув берилади. Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, гектаридан 35-40 центнердан дон, 350-400 центнердан кўк масса олиш мумкин.

Такрорий экишда оқсилга бой озуқа этиштириш мақсадида мақкажўхорини соя билан қўшиб экиш мақсадга мувофиқ. Бунда гектарига 20 килограммдан мақкажўхори ва соя уруғи қўшиб экиш тавсия этилади. Такрорий экинларнинг жадал ўсишини инобатга олган ҳолда агротехникасини ўз вақтида амалга ошириш лозим.

Ердан унумли фойдаланиш ва чорва молларини тўйимли озуқалар билан таъминлаш учун 15 июндан 1 июлгача бўлган муддатларда дон ва дуқакли экинлар қўшиб экилса, яъни, сули 80, хашаки нўхат 70 кг. меъёрида экилиб, агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, октябрь ойида гектаридан 150-200 центнердан ҳосил олиш мумкин.

Июль ойида сули экинни туплаш, хашаки нўхат шохлаш фазасига кирганда, азотли ўғитлар билан 100-150 кг/га меъёрида озиклантириш ва сугориш ишлари амалга оширилади. Ҳаво ҳарорати ва экин ҳолатини ҳисобга олган ҳолда яна бир марта озиклантириш ва икки-уч марта сугориш ишлари амалга оширилса, октябрь ойига бориб 150-200 центнердан кўк масса олиш мумкин.

Ёзда ҳаво ҳарорати ўта юқори бўладиган, ерлари шурланган ва сув танқислиги мавжуд ҳудудларда мақкажўхори яхши ўсмаслиги мумкин. Шу сабабли, оқ жўхорининг "Ўзбекистон-18", "Тошкент оқ донлиси", "Ўзбекистон-5" навларини экиб, парваришлаш яхши натижа беради. Ушбу навлар 4-5 см. чуқурликда, гектарига 10-15 килограмм миқдорда экилади. Экин 4-6 барг чиқарганда қатор оралиғига ишлов берилиб, азотли ўғитлар билан 150-200 кг/га меъёрида озиклантирилади. Озиклантиришдан кейин эса сугориш ишлари амалга оширилади. Гектарига 80-90 минг атрофида қўчат сони бўлганда, барча агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилса, 350-400 ц./га кўк поя ҳосилини олиш мумкин. Бунинг учун албатта, ғалладан бўшаган майдонларни махсус техника воситалари билан шудроллаш, уруғларни белгиланган меъёрда экиш, озиклантириш, сугориш ва парваришлаш бўйича бошқа зарур агротехник тадбирларни ўз муддатига, сифатли ўтказиш талаб этилади.

Зафар САИДОВ, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Агротехник мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси бошлиғи ўринбосари.

УЧ ДАВЛАТ ЁШЛАРИ СУРХОНДАРЁДА УЧРАШДИ

(Боши 1-саҳифада)

Афғонистонлик Асила Ноибзода эса ўз юртида барқарорликни тиклаш, иқтисодий-ижтимоий ривожланиш борасида олиб борилган эзгу ҳаракатлар, таълим муассасалари тўғрисида гапириб берди.

Форумнинг Термиз шаҳридаги Халқаро ёшлар оромгоҳида ўзбек, тожик ва афғон ўғил-қизлари иштирокида бўлиб ўтган очилиш маросимида Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилоят кенгаши раиси Шерзод Олимов, Турсунзода шаҳар маданият бошқармаси мудури Шаҳзод Бердиев ва бошқалар маъруз форумнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўзлар экан, унинг бир вақтнинг ўзида уч қўшни давлат ёшларини бирлаштиргани муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Зеро, ёшлар мулоқоти халқлар ўртасидаги алоқаларни муштаҳамлашга хизмат қилади.

Афғонистонлик ва тожикистонлик меҳмонлар Термиз шаҳридаги муҳташам Ёшлар маркази биноси, Адиб Собир Термизий номидаги Ахборот-кутубхона маркази, Термиз археология музейи, Санъат саройи ва замонавий саноат корхоналари билан танишди.

Уч қўшни давлат ёшлари ижросида концерт дастури, футбол бўйича ўртоқлик учрашувлари ташкил этилди. **Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ,** ЎЗА мухбири.

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ҳамда томорқа ер эгаларининг самарали меҳнати туфайли бозорларимизда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг арзонлиги ва тўқинлиги таъминланмоқда. Хусусан, боғ-роғларимизда пишиб етилган хилма-хил мевалар дастурхонлар кўрқига айланган.

Экспортчи боғбонлар

Таъкидлаш жоизки, ёз фаслининг шифобахш мевалари орасида таркибида инсон организмга қувват берадиган минералларнинг бойлиги жиҳатидан ўрикка тенг келадигани топилмаса керак? Бухорода йўқолиб бораётган қадимий ўрик навларини кўпайтириш борасида Пешку туманида истиқомат қилувчи изланувчан боғбон Уткир Толибовнинг саъй-ҳаракатлари эътирофга арзигулки. У ҳам кўчат, ҳам маҳсулот этиштирмоқда. Даласига асосан экспортбоп ўрик навларини жойлаштирган. Айна пайтада унга қарашли ўрикзорда шифобахш маҳсулот пешма-пеш йиғишти-

рилиб, Россияга экспорт қилинмоқда. Жондор туманидаги Беклар қишлоғида истиқомат қилувчи Фозил ака Қобилов ҳам қишлоқ ҳўжалиги илмидан яхшигина хабардор боғбон. Унинг шахсий томорқасидаги мевазорни жаннатга қиёслаш мумкин. Бу ерда меванинг барча турлари мавжуд. Биргина ўриқнинг олти тури парваришланяпти. – Субҳони, Юбилейний, Кўрсодик, Оқпишар каби ўрик навлари жуда сифатли ва харидоригр, – дейди биз билан суҳбатда боғбонлар. – Айна шу навларни кўпайтиришга ҳаракат қилияпти. **Ҳамроз АЛИ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Олис қишлоқлар ободликка юз тутди

(Боши 1-саҳифада)

Тадбирлар давомида аҳоли мурожаатига асосан, арзонлаштирилган нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркаси ташкил этилди. Кам таъминланган оилаларга бепул ун, ёғ ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари, фарзандларига кийим-кечак тарқатилди. Ўрганишлар доирасида бепул тиббий кўрик ҳам ташкил этилиб, иккала қишлоқ аҳолиси ҳам тиббий кўриқдан ўтказилди.

Деновбола қишлоғидаги мактаб кутубхонасига вилоят ҳокими ташаббуси билан 100 миллион сўм маблағ ажратилди. Мазкур мактабда таълим ўзбек ва тожик тилларида олиб борилади. – Қишлоғимизда қарийб 1 минг 300 нафар киши яшайди, – дейди шу қиш-

лоқлик Сайидахмад Нуров. – Албатта, аҳолининг йўл, коммунал хизмат, таълим, тадбиркорлик ва фуқаролик ҳўжатлари билан боғлиқ муаммолари бор. Қишлоғимиз туман марказидан анча олисда жойлашгани боис, ҳадеганда марказга бориб келишнинг имкони йўқ. Чекка қишлоқларда мана шундай муаммолар борлигини билиб, уларни ҳал этиш учун республика ва вилоят ташкилотлари раҳбарларининг келаётгани бизни беҳад куюнтирди. Вилоятдан ташриф буюрган турли соҳа мутахассислари иштирокидаги сайёр қабул ва воҳа санъаткорлари томонидан наомийиш этилган концерт дастури қишлоқ аҳолини мамнун этди. **Муҳаббат ЭЛИБОВА,** "Qishloq hayoti" мухбири.



Шарқинжон Бир Донишманди: "Ҳаёт – дарё, сузиб ўтаман демангиз, эзгуликдан ясалмаса кемангиз", деган экан. Алишер Ғаппоров ҳам эзгуликдан кема ясаб, ҳаёт денгизидан чалғимай, эмин-эркин сузиб ўтиб бораётган, яхши хислатларга бой, инсонийлиги мўл, миллатсевар, халқпарвар, билимдон, юскак дид-фаросатли, ғайратли, ишбилармон ва тадбиркор инсон.

У ўзининг борлиқ онгли ҳаёти давомида одамгарчилик, меҳнатсеварлик, ишчанлик ва омилкорлик хусусиятлари билан ва бошқа инсонга хос барча ижобий фазилатлари билан ҳақиқий инсон ва доно раҳбар сифатида шаклланиб, эл-юртининг эътиборини қозониб, ҳаётда ўзининг муносиб баҳосини олган. Алишер Ғаппоровнинг бошиб ўтган мазмунли ва ибратли умр йўли ҳақида "Ўтган кунлар шукронаси" номли китоб ёзилган. У 1949 йилнинг 26 июнида Тошкент вилоятининг Зангиота туманидаги ҳозирги "Туркистон" ишлогида туғилган. Тошкент қишлоқ ҳўжалиги техникумини, кейинчалик Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини (ҳозирги Тошкент давлат Аграр университети) олим-аграном соҳасидаги агроном-энтмолог бўлиб бошлаган. Кейин кўп йиллар шу совхозда бригада бошлиғи, бўлим бошқарувчиси ва бош агроном вазифаларида сидқидилдан меҳнат қилган. 1982-1985 йилларда Зангиота туманидаги "Москва" совхозининг директори, 1985-1991 йилларда Зангиота тумани агро-саноат бирлашмасининг раиси, туман ижроия қўмитаси раисининг

Шарқинжон Бир Донишманди: "Ҳаёт – дарё, сузиб ўтаман демангиз, эзгуликдан ясалмаса кемангиз", деган экан. Алишер Ғаппоров ҳам эзгуликдан кема ясаб, ҳаёт денгизидан чалғимай, эмин-эркин сузиб ўтиб бораётган, яхши хислатларга бой, инсонийлиги мўл, миллатсевар, халқпарвар, билимдон, юскак дид-фаросатли, ғайратли, ишбилармон ва тадбиркор инсон.

Сен ҳам фиштан, дунё кемтигини ёп...

биринчи ўринбосари, 1991-1995 йилларда "Бўзсув" жамоа ҳўжалигининг раиси, 1995-2000 йилларда "Бўзсув" деҳқон-фермер ҳўжалиқлари уюшмасининг раиси, 2000-2007 йилларда Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ тумани ҳокими лавозимларида ишлаган. Кейинги пайтларда нафақада бўлишига қарамай, ўзи ашаётган қишлоғидаги фермер ҳўжалиқлари, туман, вилоят қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши корхоналари фаолиятларига ўзининг деҳқончилик соҳасидаги теран билими, қимматли ва фойдали маслаҳатлари билан кўмак кўрсатиб, уларнинг ривожига баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда. Шунингдек, жамоат ишларида ҳам фаол қатнашиб, Ўзбекистон қозоқ миллий маданият маркази бошқарувиининг фаол аъзоси сифатида халқларимиз ўртасидаги тотувлик, ҳамжихатлик ва ҳамкорликни сақлашни ва тараққий эттиришга, айниқса, ўзбек-қозоқ халқлари орасидаги абадий дўстлик ва изчил ҳамкорлигининг янада

Тошкент вилояти

ривожланишига, икки қардош эл ўртасидаги дўстона муносабатларнинг юксалишига, тадбиркорлик ва маданият-маърифий алоқаларнинг табора яхшилланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Алишер Ғаппоровнинг иш фаолиятига қайта тўхталар эканми, унинг айниқса, Тошкент вилоятининг Зангиота ва Юқори Чирчиқ туманларининг ҳамда ушбу туманлар ҳўжалиқларининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиши, инфратузулмаларининг янгидан жорий этилиши, аҳолининг яшаш шароитлари ва моддий аҳолининг яхшилланиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг химоя қилиниши, таълим-тарбия, маданият-маънавият масалаларининг ижобий ҳал қилиниши йўлидаги хизматлари бекиёс эканлигини таъкидлаб ўтишимиз жоиз. У ўзи раҳбарлик қилган "Бўзсув" ва "Туркистон" жамоа ҳўжалиқларини республика миёнасидаги илгор ҳўжалиқлар қаторига олиб чиқди. У бунда аҳолининг тинч ва осойишта меҳнат қилиб,

фаровон турмуш кечиришлари учун барча тегишли шароитларни яратишга эришди. Зангиота туманининг қишлоқ ҳўжалиги соҳасини ривожлантириш борасида, айниқса, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда мева ва сабзавот маҳсулотларининг миқдори билан сифатини ошириш бўйича янгиликлар киритиб, амалга оширган чора-тадбирлари натижасида туман илгор туманлар

сифатли хизмат кўрсатишларини таъминлаш масалаларига катта эътибор қаратди. У республикамизда агросаноат ишлаб чиқаришини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг сифатини оширган ҳолда ҳамминни кўпайтириш, соҳада янги технологияларни ўзлаштириш, илгор тажрибаларнинг жорий этилишига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келди. У кўплаб ўз ишига моҳир мутахассислар этиштирди. Меҳнатлари юқори баҳолалиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фахрий ёрлиғи", "Шухрат" медали, "Меҳнат фахрийси" кўрак нишонлари билан мукофатланган. Алишер Ғаппоров умр йўлдоши Дилбар Спабеккизи билан ўтов тикиб, оила қурганларига ҳам 44 йил бўлибди. Улар умр бўйи бир-бирига содиқ ва ҳалол ёр бўлиб, ўзаро ишончлари билан ҳамжихатликда яшаб келмоқда. Тўрт ўғил ва икки қизнинг севикли ота-онаси ва ўн етти суюкли неваранинг бува-бувииси. Улугбек, Қизилбек, Серик, Ербул, Райхон ва Нурбул олий ўқув даргоҳларини муваффақиятли тугатиб, элга сидқидилдан хизмат қилмоқда. Улар ота-онасининг ишончини оқлаб, бу файзли оиланинг чирогини янада равшанлаштириб, олға интилмоқда. "Сен ҳам бир гиштан дунёга, камтигин толиб, бор қалан", дея Абай айтгандай, Алишер Ғаппоров ҳам ўзининг 70 йиллик ҳаётида инсонийлик фазилатлари, меҳнатсеварлик, омилкорлик, ташкилотчилик хусусиятлари ҳамда чин инсоний хислатлари билан эл-юртнинг қорига яради, халқнинг ҳурмат-эътиборига сазавор бўлиб, унинг юксак баҳосини олишга мушарраф бўлиб келмоқда. **Абдулла РУСТАМОВ**

✓Реклама ҳуқуқи асосида

"Интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича Хитой тажрибаси" мавзусида ташкил этилган семинарда тармоқнинг бугуни ва эртаси қандай бўлиши ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар ўтказилди.



Ишчанлик ва талабчанлик руҳида ўтган машварат давомида балиқчилик соҳасида ҳозиргача амалга оширилган ишлар ва эртанги кун вазифалари амалий қиёс ҳамда натижа мисолида намойиш бўлди.

Тадбирда "Ўзбекбалиқсанот" уюшмаси, унинг ҳудудий бўлиmlлари мутасаддилари, Қорақалпоғистон Республикаси, шунингдек, республикамиз вилоятларида фаолият юритаётган ҳамда хорижий мамлакатлардан таклиф қилинган мутахассислар, балиқчилик фермер хўжалиқлари раҳбарлари, АТИБ "Ипотека-банк", "Ипотека-лизинг", "Ипотека-сармояси" масъулияти чекланган жамиятлари вакиллари ҳамда тадбиркорлар иштирок этди.

Президентимизнинг жорий йил май ойида Андижон вилоятига ташрифи чоғида балиқчилик соҳасини ривожлантириш, мазкур йўналишда илғор хорижий технология ва усуллари кенг жорий этиш, вилоятда балиқ етиштириш ҳажмини кўпайтириш, илғор тажрибаларни омаллаштириш ҳамда аҳолига тайёр ва ярим тайёр балиқ маҳсулотлари етказиб беришга иxtисослашган корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича берган топшириқларидан келиб чиқиб, ташкил этилган семинарда мамлакатимизда, хусусан, Андижон вилоятида мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар, юзук ва мавжуд муаммолар атрофида таҳлил қилинди.

Иштирокчилар интенсив усулда балиқ етиштириш қатор хўжалиқлар фаолияти билан

Андижонда балиқ етиштириш бўйича Хитой интенсив тажрибаси ўрганилди


бевосита танишди. Интенсив усулда балиқ етиштиришнинг Хитой тажрибаси ҳақида батафсил маълумотлар берилди. Сирасини айтганда, тармоқнинг эртаси қандай бўлиши ҳақида қизғин баҳс-мунозаралар бўлди.

– Интенсив усулда балиқ етиштириш бўйича илғор тажрибалар билан танишдим, – дейди тадбир иштирокчиси, Хоразм вилояти Кўшкўпри туманидаги "Отабек-Достонбек" балиқчиликка иxtисослашган

Банк томонидан вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўз хонадонларида балиқ етиштириш истаги бўлган ташаббускорлар кўллаб-қувватланаётган. Бу борада балиқчиликни ривожлантириш бўйича 150 миллиард сўм миқдордаги банк кредити ажратиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилган.

Интенсив усулда балиқ етиштириш тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хо-

кредит ажратилди, – дейди АТИБ "Ипотека-банк" Андижон вилояти филиали раҳбари Баҳодиржон Қорабоев. – Бунинг натижасида нафақат балиқ етиштириш ҳажми ортмоқда, балки кўллаб янги иш ўринлари яратилмоқда.



фермер хўжалиги раҳбари Отахон Иброҳимов. – Балиқ интенсив усулда боқилганда очик сув ҳавзаларига нисбатан бир неча ўн баробар кўп балиқ етиштириш мумкинлигининг гувоҳи бўлдим. Келгусида хўжалигимизда ҳам албатта, ушбу усулда балиқ етиштиришни йўлга қўямиз.

надонларига балиқчилик учун зарур жиҳозлар, кичик ҳажмдаги пластик бассейнлар етказиб бериш, тадбиркорлар билан ҳамкорликда балиқ чавоқлари, балиқлар учун омухта ем ишлаб чиқариш, етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш корхоналарини ташкил этиш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.



Бундан ташқари, банк томонидан "Интенсив усулда балиқ етиштириш ва экотуризмни ташкил этиш" лойиҳасини амалга ошириш учун Андижон шаҳридаги "Valley Fish" масъулияти чекланган жамиятига 80 миллиард сўм, интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш учун Марҳамат туманидаги "Buyuk maskan" масъулияти чекланган жамиятига 42 миллиард сўм миқдорда босқичма-босқич кредит ажратилиши режалаштирилган бўлиб, 2018 йилда уларга 27,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Ушбу хўжалиқларда белгиланган ишлар режа асосида давом этмоқда.

Балиқчилик субъектларини молиялаштиришга масъул бўлган АТИБ "Ипотека-банк" негизида фаолият кўрсатаётган "Ипотека-лизинг" МЧЖ томонидан балиқ етиштириш учун таклиф этилаётган илғор инновацион технологиялар балиқчиликни ривожлантиришда инқилоб содир этиши мумкин эканлиги-

ни тадбиркорлар Муҳаммадали Пулатов, Бахтиёр Ориповлар ташкил этган "Valley Fish" МЧЖ мисолида кўришимиз мумкин. Ўзaro ҳамкорликда иш юритаётган тадбиркорлар балиқчилик соҳасидаги янгиликларни жорий этиш учун тиним билан ишламоқда. "Valley Fish" МЧЖ томонидан Қамчиқ довони атрофида Резаксой сув омбори ҳавзасида қафас (садок) усулида балиқ етиштириш йўлга қўйилдики, бу усул мамлакатимиз бўйича жорий этилса, луқмаи ҳалол етиштириш ҳажми бир неча баробарга кўпаяди.

Ўтган йили сазан, оқ амур, оқ дўнг пешона, Африка лаққаси, форель, осётр, лосось, маҳаллий лаққа, судак, илонбаш каби етиштирилган балиқ турларининг 7 минг 660 тоннаси балиқчилик хўжалиқларининг сунъий сув ҳавзаларида, 425 тоннаси шолӣ майдонларида, 1 минг 515 тоннаси интенсив усулдаги кичик суви ҳавзаларида, 300 тоннаси ёпиқ сув ҳавзаларида,

2 минг 100 тоннаси аҳоли хонадонларида етиштирилди.

Умуман, вилоятда балиқчиликни ривожлантириш, балиқ чавоқлари ҳамда балиқлар учун омухта ем ишлаб чиқариш борасида муайян тажриба тўпланган.

Умумий қиймати 100 миллиард сўм бўлган лойиҳа доирасида "Ипотека-лизинг" масъулияти чекланган жамияти томонидан мамлакатимиздаги балиқчилик хўжалиқларига илғор хорижий технологиялар, жиҳоз ва ускуналар етказиб берилмаётганлиги ҳам бу борадаги ишлар самарадорлигини оширишга ёрдам бермоқда.

Семинар иштирокчилари Андижон шаҳридаги "Valley fish", "Chubby rabbits" масъулияти чекланган жамиятларида интенсив усулда сунъий сув ҳавзаларида балиқ етиштириш борасида олиб борилган тажриба ишлар, шунингдек, "ECO FISH" ёрлиги остида аҳолига тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб бериш шохбаси фаолияти билан танишди.

– Жамиятимизда "Ипотека банк"нинг вилоят филиалидан олинган кредит ҳисобига интенсив усулда балиқ етиштириш йўлга қўйилган, – дейди "Valley fish" МЧЖ таъсисчиси Муҳаммадали Пулатов. – Шу билан бирга, сунъий сув ҳавзаларида етиштирилаётган балиқларни "ECO FISH" ёрлиги остида аҳолига етказиб бериш бўйича ҳам лойиҳани амалга оширишимиз. Семинарда Германия, Польша, Франция, Словения сингари хорижий давлатлардан ташриф буюрган мутахассисларнинг Ўзбекистонда балиқчиликни ривожлантиришга оид маърузалари тингланди. Хусусан, хорижлик мутахассислар балиқ етиштириш, парваришlash ва уларга озуқа ишлаб чиқариш сингари қатор мавзуларда маъруза қилди.

– Юртингизда балиқ етиштириш бўйича илғор технология ва усуллардан фойдаланиш борасида дастлабки қадамлар қўйилаётган экан, – дейди польшалик мутахассис, профессор Мирослав Шепковский. – Айниқса, Андижонда интенсив усулда балиқ етиштириш борасида яхшигина тажриба тўпланди. Ишонаманки, бу усул табиий сув ҳавзалари ва қадар кўп бўлмаган Ўзбекистонда балиқчиликнинг янада ривожланишида муҳим роль ўйнайди.

Семинар иштирокчилари интенсив усулда балиқ етиштириш, балиқлар учун омухта ем ишлаб чиқариш, тайёр ва ярим тайёр балиқ маҳсулотларини аҳолига етказиб бериш борасида ишлар билан танишиш асосида ўзарo тажриба алмашди. Халқимизда кўз қўрқоқ, қўл ботир деган ҳикमत бор. Кимки, бир қадам олдинда юрса, унга омад ёр бўлаверади. Уй-фикрдан нарига ўтмаган одам эса ортда қолаверади. Анжуманда янгиликларни кўрган ва кузатган кўллаб фермерлар АТИБ "Ипотека-банк" ҳамда "Ипотека-лизинг" МЧЖ билан ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича ахдномаларга эришди.

Қобилжон АСҚАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм вилояти

Пахта етиштиришда кластер усули фермерлар унинг афзалликларини дилдан ҳис қилишмоқда

Туманимиз пахтакорлари ўтган йили вилоятда биринчилардан бўлиб пахтани кластер усулида етиштириш тажрибасини кенг қўллаган эди. Улар ушбу усулнинг афзалликларини, деҳқоннинг ишлаганига яраша даромад олишини ўз тажрибаларида синодан ўтказишди. Жорий йилда ҳам мавжуд 8975 гектар майдонга уруғ қадаб, 26 минг 620 тонна пахта етиштириш учун "TEXTILE FINANCE KHOREZM" МЧЖ корхонаси билан контрактация шартномаси тузилди.

Фермер хўжалиқларини мақбуллаштириш жараёнида ерни ҳақиқий эгасига топшириш, қўлдан иш келадиган, йиллик шарномавий режаларни удалаб келаятган фермерлар танлаб олиниб, туман бўйича 165 та пахта ва гапчалликка иxtисослашган фермер хўжалиқлари шакллантирилди.

Кластер усулида пахта етиштиришда биринчи навбатда далаларни экишга сифатли тайёрлаш, лазер ускунада текислаш ва ўз навбатида майдонларни кенгайтириш билан бирга чигит намини тўғри танлаб билиш ҳам самарадорлигини оширади. Бу йил 6 минг 700 гектар майдонга "Хоразм-127", 2000 гектар майдонга "Бухора-102" навларини эдик. 275 гектар майдонда эса бошқа навлар синодан ўтказилган.

Айни кунларда фермер хўжалиқларимизда ўза парвариши жадал суръатларда олиб боришмоқда. Туман бўйича 13 та ҳудудда, отрядларга бўлинган ҳолда иш юритилаётган. Бунга туман ҳокимлигидан масъуллар бирктирилган бўлиб, улар ўза парваришининг боришини тўла назоратта олган. Туман бўйича 167 та культиватор унумли ишлатилмоқда. Айни кунгача 3 мартаба культивация ишлари якунланди. Булардан ташқари, қатор ораларини чуқур юмшатиш ва бардан озиклантириш каби агротехник тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Тракторчиларга қўлай иш шартлари яратиш ва ойлик маошларини ойма-ой бериб бориш тўла назоратта олинган.

Ҳар икки гектар майдонга бир нафардан жами 4487 нафар пудрат-

чи ишга қабул қилиниб, улар билан икки шартномалар тузилди. Шунингдек, ҳар ярим гектар майдонга бир нафардан мавсумий ишчилар ҳам жалб этилган. Ҳозирда ўзани беғона ўтлардан тозалаш, чопик қилиш ишларида 23084 нафар доимий ва мавсумий ишчилар қатнашмоқда. Ўзани турли зараркундалардан сақлаш учун 11 та биоплаборатория иш олиб бормоқда. Уларда биолог хашаротлар етиштирилиб, далаларга 100 фоиз ишлов берилди.

Кластер пахтачиликда энг самарали усул эканини фермерларимиз дилдан ҳис қилишмоқда. Чунки ўзани йилги тажриба кўл келаяпти. Ўза парваришидаги олдинги камчилик ва нуқсонларни бу йил қайтармаслик чораларини кўрялтирдик.

Жорий йилда фермерларимизнинг чигит эккан майдонлари бултурга қараганда икки ҳисса кўпайди. Бу эса уларнинг жорий йилда даромади янада кўп бўлишидан дарах беради.

Баҳром ШУҚУРБОВ, Шовот тумани ҳокими ўринбосари.

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитасида Венгрия Республикаси делегатлари ва соҳа мутахассислари иштирокида ҳамкорлик масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Венгриялик мутахассислар ўзбек чорвачилигига қизиқмоқда

Тадбирни раис ўринбосари Абдурашул Абдуллаев кириш сўзи билан очаркан, ҳозирги пайтда ҳуқуқимиз томонидан соҳага қаратилган эътибор натижасида бир қатор хорижий ҳамкорликлар йўлга қўйилиб, ветеринария, хусусан, чорвачилик ва наслчилик, озуқа етиштириш йўналишлари ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 мартдаги "Ветеринария ва чорвачилик соҳасида Давлат бошқарув тизимини

тўдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан қўмита олдига бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Хусусан, ветеринария ва чорвачилик йўналиши учун хорижий инвестицияларни жалб этиш, хорижий ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнаттиш, ўзарo тажриба алмашиш каби жараёнлар ҳам соҳа олдига турган долзарб, мақсадлардандир.

Тадбирда хорижий меҳмонларнинг "Магистр-Год" ва "Баболна-Тетра" компаниясига қарашли наслчилик ва паррандачилик,

"АгроФед" иxtисослаштирилган компаниясининг чорвачилик ва ем-хашак маҳсулотларини ишлаб чиқариш, "Хандланд" компаниясининг сут ва сут-ғўшт маҳсулотлари етиштириш ҳамда "Хевесеп" компаниясининг озуқа экинларини сақлаш, саралаш ва қайта ишлаш мавзуларига бағишланган тақдиротлари бўлиб ўтди.

Мазкур халқаро тадбирда ўзарo ҳамкорлик, соҳага инвестициялар жалб этиш, соҳага инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда ўзарo тажриба алмашиш каби масалалар ҳам кун тартибидан ўрин олди.

Тадбирда паррандачилик ва балиқчиликни янада ривожлантириш, шунингдек, Венгриянинг етакчи олий ўқув юртыарида қишлоқ хўжалиги ва ветеринария соҳаларида мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича тажриба алмашишга келишиб олинди. Ўз мухбиримиз.

✓101 огоҳлантиради

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари мунтазам равишда аҳоли билан учрашувлар ўтказиб, ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириб келади. Содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинлар вақтида тўғри ҳаракатланиш усуллари ўргатади. Лекин афсуски, Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан амалга оширилаётган профилактик тадбирларга қарамасдан, жойларда ёнғинлар юзга келяпти.

Ҳамиша ҳушёр бўлинг!

Масалан, биргина Тошкент шаҳрида жорий йилнинг 5 ойи давомида 379 та ёнғин содир бўлиб, 9 нафар фуқаро ҳалок бўлди, 16 нафар фуқаро эса куйиш тан жароҳатини олди. Амалга оширилаётган тадбирлардан қўланган мақсад, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат. Зеро, тилсиз ёв билан курашиш фаталити ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Ўз уйининг ўзинг асра, деган шир ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқдир. Шу боис, иш ва яшаш жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш муҳимдир. Ҳўш, бунда нималарга эътибор бериш керак? Аввало, очик алангандан фойдаланилаётганда эҳтиёткорлик чораларини кўриш, электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, носоз, қўлбола электр, газ асбобларидан фойдаланмаслик, маъмурий биноларда иш тутагандан кейин хонадаги электр ускуналарини ўчириш, белгиланган жойлардагина чекиш керак. Шу каби қоидаларга риоя қилинса, ҳар бир фуқаро йиллаб топан мол-мулкни, уй-жойини, қолаверса, ўзини ва яқин кишиларининг ҳаётини асраб қолган бўлади.

Ушбу офат инсонлар ҳаётини, соғлигини, ешлигини ўзи билан олиб кетади, бир умрга мажмуҳга айлантиради. Шунинг учун биз, ёнғин хавфсизлиги ходимлари барчани огоҳликка чақирамиз.

Бекзод ҲАСАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясига қарашли Виртуал қабулхона Биносини ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлими кичик инспектори, сержант.

ТЕХНИК НОСОЗЛИК

ёнғинга сабаб бўлиши мумкин. Машинанинг техник носозлиги туфайли ёнғин билан боғлиқ кўнгилсизликлар рўй бериши мумкин. Негаки, машинани ҳаракатлантирадиган нарсa бу, унинг ёқилгиси. Ёқилги эса салгина лоқайдлик ва эътиборсизлик қилинса, дарҳол ёниб кетиши, саросимага тушган ҳайдовчи машинасини кулга айлантиради мумкин. Шунинг учун ёнғин офати катта-кичи йўللarda ҳайдаб кетаятган машиналаримизга ўз хавф-хатарини қаратмаслиги учун эътиборли бўлишимиз ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишимиз ҳамда, албатта, машинамизда ўт ўчиргич олиб юришимиз зарур. Бунинг учун!

Й.ИСМОИЛОВ, М.Улугбек тумани ЕХБ инспектори.

✓Эълон

ЎЗУМАН ШАХРИДА
тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!
"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ
ТАКРОРИЙ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

"Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ томонидан ташкил этилган очик аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги "НБУ Бунёдкор Инвест" МЧЖнинг 2019 йил 17 июндаги 660-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

- 1.Жизза вилояти, Зомин туманида жойлашган, умумий майдони 12600 кв.метр, қурилиш ости майдони 7019,88 кв.метр, 14 та литердан иборат, 1 қаватли "Зомин деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 23 342 215 138 сўм.
- 2.Андижон вилояти Асака туманида жойлашган "Асака деҳқон бозори" 2 қаватли мажмуаси. Умумий майдони 3666 кв.метр, қурилиш ости майдони 2846,8 кв.метр, 5 та литердан иборат. Бошланғич баҳоси – 7 275 354 000 сўм.
- 3.Фаргона вилояти, Қўштепа туманида жойлашган, умумий майдони 14300 кв.метр, қурилиш ости майдони 2494,2 кв.метр, савдо расталари, автотурагоҳ 7 та литердан иборат, 1 қаватли "Қўштепа деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 5 094 643 884 сўм.
- 4.Фаргона вилояти, Бешариқ туманида жойлашган, умумий майдони 11921,32 кв.метр, қурилиш ости майдони 21500 кв.метр, савдо расталари, автотурагоҳ 7 та литердан иборат, 2 қаватли "Бешариқ деҳқон бозори" мажмуаси. Бошланғич баҳоси – 6 595 087 738 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 1 июль кунин соат 11:00 да Тошкент шаҳри Олмасор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказишчи белгиланган кундан бир иш кунин олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Юқоридаги мулк 2019 йил 1 июль кунин сотилмаган тақдирда такрорий савдолари 2019 йил 4, 8 июль кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказишчи белгиланган кундан бир иш кунин олдин соат 18:00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатиндан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;
 - жисмоний шахслар учун паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.
- Савдо қолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш кунин ичида сотувчи билан олди-сотида шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Талабдорлар мулкнинг 1 фойиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Ko`chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг ХАТБ "DAVR BANK" Олмасор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР:207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри Олмасор тумани 1-Қорақамиш кўчаси 1А-уй. Тел: (0371) 228-80-27, 228-80-26. www.1kms.uz. Электрон почта: kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru.

Лицензия RR-0001.

